



**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY TA’LIM, FAN
VA INNOVATSIYALAR VAZIRLIGI
MIRZO ULUG‘BEK NOMIDAGI
O‘ZBEKISTON MILLIY UNIVERSITETI**

**“ADABIY TA’LIM METODOLOGIYASI:
XALQARO TAJRIBA VA ILMIY HAMKORLIK”
mavzusidagi professor Hamidulla Boltaboyev
tavalludining 70 yilligiga bag‘ishlangan
xalqaro ilmiy-nazariy anjuman**

MATERIALLARI

1-kitob

**Toshkent
2024-yil 30-sentabr**

**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY TA’LIM,
FAN VA INNOVATSIYALAR VAZIRLIGI
MIRZO ULUG‘BEK NOMIDAGI O‘ZBEKISTON MILLIY UNIVERSITETI
Michigan davlat universiteti (AQSH)
Anqara Boshkent universiteti Alisher Navoiy tadqiqot markazi (Turkiya)
Al-Farobiy nomidagi Qozoq milliy universiteti
Ozarbayjon Milliy ilmlar akademiyasi Nizomiy nomidagi Adabiyot instituti
O‘zbekiston Yozuvchilar uyushmasi
Respublika Ma’naviyat va ma’rifat markazi**

**“ADABIY TA’LIM METODOLOGIYASI: XALQARO
TAJRIBA VA ILMIY HAMKORLIK”
mavzusidagi Professor Hamidulla Boltaboyev
tavalludining 70 yilligiga bag‘ishlangan
xalqaro ilmiy-nazariy anjuman**

MATERIALLARI

1-kitob

**Toshkent
“MASHHUR PRESS”
2024**

UO‘K: 631.542.12

KBK 83.3(0)3

“Adabiy ta’lim metodologiyasi: xalqaro tajriba va ilmiy hamkorlik” mavzusidagi Professor Hamidulla Boltaboyev tavalludining 70 yilligiga bag‘ishlangan xalqaro ilmiy-nazariy anjuman Materiallari. – Toshkent: MASHHUR PRESS, 2024. – 496 b.

Mirzo Ulug‘bek nomidagi O‘zbekiston Milliy universitetida o‘tkazilgan “Adabiy ta’lim metodologiyasi: xalqaro tajriba va ilmiy hamkorlik” mavzusidagi ushbu xalqaro ilmiy-nazariy anjuman Materiallari olti bo‘limdan iborat bo‘lib, uning har bir bo‘limida zamonaviy filologik tizimda adabiy ta’limning eng dolzarb muammolari qamrab olingan. 200 dan ortiq maqolalarni o‘z tarkibiga olgan mazkur to‘plam professor-o‘qituvchilar, mutaxassis va tadqiqotchilar, doktorant va izlanuvchilarga mo‘ljallangan.

Mas’ul muharrirar:

I.G‘afurov – O‘zbekiston Qahramoni, San’at arbobi,
Y.Ergashev – O‘ZMU prorektori, professor

Tahrir hay’ati:

N.Hasanov, J.Jo‘rayev, Q.Husanboyeva, M.Umarova, G.Keldiyorova, D.Xatamova,
D.Qozoqboyeva, O.Hamroyeva, B.Turayeva, T.Matyoqubova

To‘plab, nashrga tayyorlovchilar:

D.Qozoqboyeva, H.Boltaboyeva

Taqrizchilar:

X.Do‘stmuhamedov – filologiya fanlari doktori, professor;
Almaz Ulvi Binnetova – filologiya fanlari doktori, professor

Mazkur Materiallar O‘zMU Ilmiy texnikaviy kengashining 2024-yil
27-sentabrdagi majlisida nashrga tavsiya etilgan (09-sonli bayonnoma)

ISBN 978-9910-674-30-3

© O‘zbekiston Milliy universiteti, 2024

© “MASHHUR PRESS”, 2024

ПРОФЕССОР АБДУРАУФ ФИТРАТНИНГ АДАБИЁТШУНОСЛИККА ДОИР ҚАРАШЛАРИ ТАЛҚИНЛАРИ

Шоира АҲМЕДОВА Нематовна,
профессор, филология фанлари доктори,
Бухоро давлат университети

Аннотация

Буюк маърифатпарвар, серқирра ижодкор Абдурауф Фитратнинг ҳаёти ва ижодига қизиқиш ўз давридаёқ бошланган эди. Унинг ижоди ҳатто хорижда ҳам кенг миқёсда ўрганилган ва ўрганилмоқда. Масалан, япон олими Хисао Коматсу, француз олими Элен Каррер де Инкаус, немис олими И.Балдауф, америкалик олим Эдуард Олворд томонидан адабий ҳамда кўпроқ сиёсий мақсадда ўрганилган. Ўзбекистонда эса XX асрнинг 60-йилларидан кейин Фитратнинг баъзи асарлари нашр қилина бошланган (“Қиёмат”, “Шайтоннинг тангрига исёни” қабилар). 50-80-йилларда Фитрат ҳаёти ва ижодини Эрик Каримов кенгроқ ўрганган. У ўз тадқиқотларида Фитратни маърифатпарвар шахс сифатида гавдалантира олди. Фитрат ижодига янгича муносабат 80-йилларнинг иккинчи ярмидан шакллана бошлади. Унинг драматургияси, илмий мероси фитратишунос олимлар проф. Б.Қосимов, А.Алиев, Н.Каримов, Б.Назаров, Ҳ.Болтабоев, И.Ғаниев каби олимлар томонидан анча батафсил тадқиқ қилинди.

Мустақиллик йилларига келиб фитратишунослик алоҳида соҳа сифатида ривожлана бошлади, қатор тадқиқотлар юзага келди. Бу соҳада профессор Ҳ.Болтабоевнинг хизматлари катта эканлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Ушбу мақолада профессор Ҳ.Болтабоевнинг Фитратнинг адабиётишунослиги тадқиқ этилган тадқиқотлари ва уларнинг ўзига хос жиҳатлари, айниқса, яссавийшунос Фитрат изланишларининг бугунги кундаги аҳамияти ҳақидаги қарашлари, олим услубининг баъзи қирралари ҳақида фикр юритилади.

Калит сўзлар: адабиётишунослик, яссавийшунослик, мумтоз адабиёт тарихи, услуб, фитратишунослик.

ИНТЕРПРЕТАЦИЯ ЛИТЕРАТУРОВЕДЧЕСКИХ КОНЦЕПЦИЙ ПРОФЕССОРА АБДУРАУФА ФИТРАТА

Аннотация

Интерес к жизни и творчеству Абдурауфа Фитрата, великого просветителя и художника, начался еще в его время. Его творчество широко изучено и изучается даже за рубежом. Например, его изучали японский ученый Хисао Комацу, французский ученый Элен Каррер де Энкауз, немецкий учёный И.Балдауф и американский ученый Эдвард Алвортт в литературных и более политических целях. В Узбекистане после 60-х годов XX века начали издаваться некоторые произведения Фитрата (такие как «Судный день», «Восстание сатаны против Бога»). В 1950-х и 1980-х годах жизнь и творчество Фитрата подробно изучал Эрик Каримов. В своих исследованиях он смог воплотить Фитрата как просветленного человека. Новое отношение к творчеству Фитрата начало формироваться во второй половине 80-х годов XX в. Его драматургия, научное наследие подробно изучали такие ученые, как Б.Касымов, А.Алиев, Н.Каримов, Б.Назаров, Х.Болтабаев, И.Ғаниев.

К годам независимости фитратоведение стало развиваться как отдельная область, был проведен ряд исследований. Следует отметить, что в этой области велики заслуги проф. Х.Болтабаева. В данной статье рассматриваются исследования профессора Х.Болтабаева литературоведения Фитрата и их специфические аспекты, особенно его

взгляды на значение исследований ученого сегодня, а также некоторые аспекты стиля ученого.

Ключевые слова: Фитрат, ученый, литературоведение, яссаведение, история классической литературы, стиль, фитратоведение.

INTERPRETATION OF THE LITERARY CONCEPTS OF PROFESSOR ABDURAUUF FITRAT

Abstract

Interest in the life and work of Abdurauf Fitrat, the great educator and creative artist, began in his time. His work has been widely studied and studied even abroad. For example, it was studied by the Japanese scientist Hisao Komatsu, the French scientist Eden Carrerde Ipkaus, the German scientist I. Baldauf and the American scientist Edward Alvordlar for literary and more political purposes. In Uzbekistan, after the 60s of the 20th century, some of Fitrat's works began to be published (such as "Judgment Day", "The Revolt of Satan to God"). In the 1950s and 1980s, Fitrat's life and work was studied in detail by Eric Karimov. In his research he was able to embody Fitrat as an enlightened man.

A new attitude towards Fitrat's work began to take shape in the second half of the 80s. His dramaturgy and scientific heritage were studied in detail by such scientists as B.Kasimov, A.Aliev, N.Karimov, B.Nazarov, Kh.Boltabaev, I.Ganiev.

By the years of independence, fitrate studies began to develop as a separate field, and a number of studies were carried out. It should be noted that the merits of Professor Kh. Boltaboev in this area are great. This article examines Professor Kh. Boltaboev's research into Fitrat's literary studies and its specific aspects, especially his views on the significance of Fitrat's research today, as well as some aspects of the scientist's style.

Key words: *Fitrat, scientist, literary criticism, classical studies, history of classical literature, style, fitrate studies.*

XX асрнинг буюк қомусий олими Абдурауф Фитрат Шарқ халқлари маданий мероси ва адабиётини ўрганишга катта ҳисса қўшди. “Фитрат В.Бартольд, Н.Самойлович, И.Крачковский, Е.Бертельс сингари академик йўналишдаги йирик қомусий олим эди” – деб ёзади профессор Ҳ.Болтабоев. Ҳақиқатан ҳам “Ўзбек классик мусиқаси ва унинг тарихи”, “Энг эски турк адабиёти намуналари”, “Ўзбек адабиёти намуналари”, “Аруз ҳақида” каби ўнлаб тадқиқотлар яратиб, жаҳон шарқшунослиги ва туркшунослигига катта ҳисса қўшди. Шунга қарамай, унинг асарлари XX асрнинг 20-30-йилларида кўп мунозараларга сабаб бўлди. Фитрат ижоди ноҳақ танқидларга учради ва бу ҳол 1938 йилда – унинг қатлидан кейин ҳам давом этди. Шахсга сиғиниш оқибатлари тугатилгандан сўнг ҳам бу муносабат ўзгармай турди. Фақат XX асрнинг 70-йилларига келиб, И.Султон, Э.Каримов, Х.Мирзозодалар унинг ижоди ҳақида ёза бошладилар, 80-йиллардагина бу жараён бир қадар изчиллаша борди. Айниқса, мустақиллик эришганимиздан кейин Фитрат ижодини ўрганиш имкониятлари кенгайди. Унинг асарлари, қатор илмий мақолалари, шунингдек, насрий, шеърӣй ва драматик асарлари қайтадан чоп этила бошланди.

Фитратнинг адабиётшунослик фаолиятини Ҳ.Болтабоев ва У.Жўрақулов каби олимлар докторлик ва номзодлик диссертациялар доирасида ўргандилар. Хусусан, Ҳ.Болтабоев Фитратнинг адабий-танқидий қарашларини XX аср бошларидаги ўзбек адабиётшунослиги контекстида ўрганиб, унинг ўзбек эстетик тафаккури тараққиётидаги ролини очиб берди. Бу изланишлар “Фитратнинг илмий мероси” китобида ўз ифодасини топди. “Мустабид тузум

қурбонлари бўлмиш буюк адабий сиймолардан Қодирийнинг омади юришиб, 50-йиллар охири 60-йиллардаёқ ижодий мероси халққа қайтарилди бошлади; аммо унинг икки сафдоши – Чўлпон билан Фитрат расман оқланган бўлса-да, ижодий меросини рўёбга чиқариш, улар ҳақидаги бор ҳақиқатни айтиш ўта мушкул кечди, фақат 80-йиллар охирига келиб бу соҳага йўл очила бошлади. Мана шу хайрли ташаббусни бошловчиларидан бири – Ҳамидулла укамиз бўлиб чиқди” – деб ёзади йирик танқидчи У.Норматов [<https://ziyouz.uz>]. Ҳақиқатан ҳам олим 80-йилларнинг охирида Москвада улкан адабиётшунослар Г.Поспелов, Е.Хализев, Л.Климович билан ҳамкорлик ўрнатиш асносида пойтахтдаги кутубхона, архивлардаги Фитрат ижодий меросига оид манбалар билан яқиндан танишиш муяссар бўлди. Шу тариқа унинг “Абдурауф Фитрат” (1992), “Қатағон қилинган илм” (1996), “Абдурауф Фитрат – адабиётшунос” (1996), “Фитратнинг илмий мероси” (1996) китоблари нашр этилди. 1996 йилда ҳимоя қилинган “XX аср бошларида ўзбек адабиётшунослиги ва Фитратнинг илмий мероси” мавзусидаги докторлик диссертацияси нафақат фитратшуносликда, балки давр адабий муҳитида улкан воқеа бўлди десак адашмаймиз. Бу ҳақда У.Норматов шундай ёзадилар: ”Қодирий, Чўлпон ҳақидаги ҳақиқатни юзага чиқариш бобида И.Султонов, М.Қўшжонов, О.Шарафиддинов, Н.Каримовлар қанчалар жонбозлик кўрсатган бўлсалар, Ҳамидулла ҳам сафдошлари қатори фитратшуносликда катта жонбозлик кўрсатди; бу хайрли ташаббус, шижоат докторлик диссертацияси ҳимояси билан чекланиб қолгани йўқ, олимнинг бу борадаги кўламли фаолияти ҳамон изчил давом этаётир”.

“Фитрат ва жадидчилик” мақолалар тўплами Фитрат меросига янги аср адабиётшунослиги нуқтаи назаридан ёндашишнинг чиройли намунасидир. Бевосита Ҳ.Болтабоев муҳаррирлиги, таржимаси остида адибнинг “Мухтасар ислом тарихи”, “Адабиёт қоидалари”, “Аруз ҳақида”, “Мунозара” сингари асарлари алоҳида китоб ҳолида чоп этилди; шунингдек, 2000-2010 йиллар оралиғида қомусий олимнинг беш жилдлик “Танланган асарлар”и Ҳ.Болтабоев таъдил, таржима, сўз боши ва изоҳлари билан нашр қилинди. Энг сўнгги муҳим ташаббус – Фитратнинг 1927 йили чоп этилган ноёб китоби “Энг эски турк адабиёти намуналари”, 1928 йили чиққан “Ўзбек адабиёти намуналари” Ҳ.Болтабоев сўз бошиси билан “MUMTOZ SO‘Z” нашриётида қайта нашр этилди.

Профессор, йирик фитратшунос олим Ҳ.Болтабоевнинг академик Наим Каримов таъкидлаганидек, “XX асрнинг қомусий олими” Фитрат ҳаёти ва ижодини ўрганиш, тадқиқ этиш, асарларини нашр этиш, таъдил қилиш, сўзбоши, изоҳлар билан чоп этиш сингари хайрли ишларнинг бошида турганлигининг ўзи ибрат мактабидир. Олим, айниқса, Фитратнинг адабиётшуносликка қўшган ҳиссасини тадқиқ этиб, бу борада фитратшуносликда катта ва хайрли ишларни амалга оширганини алоҳида таъкидлаш мумкин. Масалан, “Фитрат ва XX аср бошлари адабиётшунослиги” мақоласида олим бу давр адабиётшунослигининг шаклланиш омиллари, муҳим жиҳатларини чуқур текширар экан, Фитратнинг бу борадаги хизматларини тўғри кўрсатади: ”Бухородай кўпроқ форсийзамон бўлган муҳитда “йўргакланган” Абдурауф Фитрат мураккаб изланишлар йўлини босиб ўтиб, кейинроқ турк тили адабиётшунослигининг яратувчиларидан бири бўлиб етишди. Унинг адабиёт, санъат, илоҳиёт соҳасига қўйган ҳар бир қадами мамлакатда юз бераётган маънавий ўзгаришлар билан ҳамқадам равишда кечди. Адибнинг илк асарларида “ватан” ва “миллат” тушунчалари қайта-қайта таҳлилдан ўтказилди” [Болтабоев Ҳ., 1995: 178].

Шу билан бирга олим давр тазкирачилигига баҳо берар экан, унинг Фитрат ижодига таъсири масаласини ҳам изчил ўрганади. Фитрат томонидан 20-йилларда яратилган илмий-назарий йўналишдаги йирик тадқиқотларга қадар ўсганини кузатиб, муҳим хулосалар чиқаради. “Адабиёт илмининг барча асосий соҳаларига хизмати сингган Фитратнинг 20-30-

йиллар адабий танқидчилигининг шаклланишида ҳам муайян ўрни бор. Муаллиф томонидан эълон қилинган мақола ва тақризларда замонининг энг долзарб масалаларига муносабат билдирилган, мунозарали масалаларнинг ечилиши билан боғлиқ муаммолар ҳал қилинган ҳамда соғлом адабий муҳит учун, профессионал ва холис танқид учун бўлган ҳаракат сезиларли из қолдирган” [Болтабоев Ҳ., 2000: 305].

Фитратнинг адабиёт назарияси, мумтоз адабиёт тарихи соҳасидаги хизматларини ҳам олим тўғри ва ҳаққоний баҳолайди: ”Адабиётшунослик фанининг энг муҳим таркибий қисмларидан саналган миллий адабиёт тарихини яратишдек улкан вазифа турар эдики, бу соҳада ҳам дастлабки “тарих”лар яратиш Фитрат каби мумтоз адабиётимизнинг нуктадон мутахассисининг зиммасига тушди”.

Профессор Ҳ.Болтабоев Фитратнинг яссавийшуносликка қўшган ҳиссасини кенг қамровда тадқиқ этади. Фитратнинг Яссавий дунёсига кириб келган даврини XX асрнинг 10-йилларидан бошланганини асослаб беради. ”Олим айни шу даврда “бу маслаки муқаддаснинг сокин бир эътиқодгўйи сифатида” исломчилик йўлини танлади. Бухородаги “Мирараб” мадрасидаги таҳсил пайтидаёқ “Девони ҳикмат” билан танишиб улгурди”. Шу билан бирга унинг сиёсий-ижтимоий жиҳатларига ҳам диққатини қаратади.

Синчков олим услубига хос бир жиҳатни алоҳида қайд этиб ўтиш лозим: ўз тадқиқотларида қайси бир муаммога қўл урмасин, унинг генезисига, тарихига алоҳида диққат қаратиб, ҳар томонлама, батафсил ёритиб бериш хусусияти устуворлигини кўриш мумкин. Масалан, Фитрат яссавийшунослиги масаласини ёритар экан, энг аввало, диққатни XX аср бошлари яссавийшунослигига қаратади. А.Вамбери, Ф.Август Толук, Альфред фон Крамер, эроншунос К.Дозу, А.Кримский, К.Залеман, А.Казанский, олмон олими Броккельман, можар олими Ж.Немет ва шу билан бирга қатор турк, татар, рус олимларининг соҳадаги тадқиқотларини тилга олиб ўтади. Фитратнинг қайси манбаларга таяниб, ўз тадқиқотини яратгани масаласини кенг ва асосли равишда ёритиб беради. Шу билан бирга Фитрат яссавийшунослигини А.Саъдий мақоласи билан қиёсий аспектда текшириб, бу асарларни ўзига хослиги ва нуқсонлари билан “айни ўша давр адабий иқлимнинг меваси сифатида қабул қилиш” зарурлиги ҳақида маълум хулосаларга келади. Фитратнинг тасаввуф масаласига кириб келиши ҳам тасодиф бўлмаганлигини унинг асарлари мисолида асослаб беради. Яссавийшунос Фитрат таянган манбалар ва маъхазларни ҳам кўрсатиб берадики, бу олимнинг ҳар бир масалани таг-тубигача етиб ёритиш услубига содиқ эканлигини яққол намоён этиб турибди. Буни тадқиқотдаги “Яссавийнинг шахси ва манқабавий ҳаёти”, “Яссавийнинг шоирлиги, ҳикматларининг адабий қиммати тўғрисида”, “Яссавийда тасаввуф даражаси” каби бўлимларни ўқиганда янада чуқур ҳис этиш мумкин.

Шуни ҳам айтиб ўтиш лозимки, Фитратнинг Аҳмад Яссавий ҳаёти, ижоди, таълимоти ҳақидаги тадқиқотларидаги тезислари, чиқарган хулосалари илмий жиҳатдан бақувватлиги, мантиқан изчиллиги билан ажралиб туришини таъкидлаган Б.Қосимовнинг “Шундай бўлсада, Фитрат Аҳмад Яссавий асарларининг туб моҳиятига кириш учун чин дилдан интилмагандек таассурот қолдиради” деган фикрларига қўшилиш қийин. Бу масалада, бизнингча, фитратшунос олим Ҳ.Болтабоевнинг қарашлари ҳақиқатга яқинроқ: у мақоланинг икки қисмдан иборат бўлиб босилганига эътиборини қаратади, иккинчи қисмида Яссавийнинг таърифига нисбатан унинг танқиди кўпроқ. “Мақоланинг иккинчи қисмидаги услубда турличалик сезилади. Бундай айри хусусиятларни шундай изоҳлаш мумкин: афтидан, Фитрат жўшқинлик билан мақоланинг бошланғич қисмини ёзиб эълон қилганидан сўнг уни танқид ва таъқиб қилишлар сезиларли даражага чиққан кўринади. Ҳатто айрим манбаларда қайд этилишича, Фитрат Яссавий ижодини “марксистик установкада туриб текширмаган” деган айблар қўйи-

ла бошланган. Фитрат буларга жавобан ёки бўлиб ўтган гаплар таъсирини ҳис қилиб мақола-нинг иккинчи қисмида Яссавий ижодининг талқинида танқид ҳам қўшилган” [Болтабоев Ҳ., 1992: 33].

Буюк қомусий олим Фитрат ижодининг зукко тадқиқотчиси Ҳ.Болтабоев унинг ясса-вийшунослиги ҳақидаги теран кузатишларини яқунлар экан, ўзбек яссавийшунослиги XX асрнинг 30-йилларидан сўнг бир томонлама мафкуравий дунёқараш асосида барҳам топиб борган бўлса ҳам Фитрат томонидан яратилган мақола ва тадқиқотлар Яссавий ва унинг мактаби шоирлари тўғрисида эълон қилинган энг изчил илмий кузатишлар сифатида ҳозирги кунга қадар ўз аҳамиятини йўқотмаганлигини тўғри таъкидлайди. Олимнинг 90-йиллардан бошланган ўзбек тасаввуфшунослигининг ривожланишида Фитратнинг мақола тадқиқот-лари ҳамон долзарблигини йўқотмаганлиги ҳақидаги хулосалари эътиборлидир.

Бундан ташқари, олимнинг Фитрат таваллудининг 110 йиллигига бағишланган “Абдурауф Фитрат – адабиётшунос” тадқиқотида Фитратнинг Бобур ижодига бағишланган тадқиқотлари ҳам ўрганилган. “Бобуршоҳ Фитрат талқинида” бўлимида “Ёзилмаган асардан лавҳалар”, “Мардона шеърят саҳифалари”, “Бобурнома” талқинлари” каби фаслларнинг номланишиёқ Ҳ.Болтабоев муаммога қандай ёндошганини яққол кўрсатиб туради. Тадқи-қотнинг Фитратнинг машрабшуносликка қўшган ҳиссаси “Шоҳ Машраб Фитрат талқинида” деб номланган учинчи бобида кенг ва чуқур тадқиқ этилгани кўринади. “Машраб ва қалан-дарлик тариқати”, “Мабдаи нур” асари ва икки Машраб ихтирочилари” каби масалалар чуқур тадқиқ қилингани билан эътиборлидир.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, муборак 70 ёшини қаршилаётган олимнинг ҳар бир тадқиқоти, теран кузатишлари, муаммони ҳар томонлама изчил ва чуқур ёритиш услубига эгаллиги билан илм йўлига кирган ҳар бир ёш тадқиқотчи учун жуда катта манба ва маънавий озуқа бера олиши билан ўзбек адабиётшунослигида ўзига хос ўринни эгаллаб турибди.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Фитрат А, 2006. Танланган асарлар. Беш жилдлик: Учинчи жилд. – Т.: Маънавият. – Б. 239.
2. Аҳмедова Ш., 2016. Фитрат ва Бедил // “Истиклол ва Фитрат ижоди” мавзусидаги республика илмий-назарий анжумани материаллари. – Бухоро. – Б. 57-59.
3. Аҳмедова Ш., 2023. Маърифатпарвар жаҳид танқидчилари. – Германия. Gleebe.
4. Болтабоев Ҳ., 1995. Фитрат ва XX аср бошлари адабиётшунослиги // Шарқ юлдузи. – 11-12-сон. – Б. 178.
5. Болтабоев Ҳ., 1996. XX аср бошлари ўзбек адабиётшунослиги ва Фитратнинг илмий мероси. Филология фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. – Тошкент. – Б. 305.
6. Болтабоев Ҳ., 1996. Абдурауф Фитрат – адабиётшунос. – Тошкент: Ёзувчи, <http://www.ziyouz.com/>.
7. Норматов У., 2014. Заҳматкаш олимнинг шарафли йўли /<https://ziyouz.uz/ilm-va-fan/adabiyot/umarali-normatov-zahmatkash-olimning-sharafli-oli/>.
8. Қосимов Б., 1974. Маслакдошлар. – Тошкент. – Б.135.
9. Яссавий ким эди, 1993. Тўплам (нашрга тайёрловчи Б.Дўстқораев). – Тошкент.

MUNDARIJA

I.U.MADJIDOV. ADABIY TA'LIM METODOLOGIYASI: XALQARO TAJRIBA VA ILMIY HAMKORLIK SAMARALARI (So'zbjshi o'rnida).....	3
1-sho'ba. ADABIY TA'LIMDAGI YETAKCHI KONSEPSIYALAR	
Tanju SEYHAN. DOĞU TÜRKÇESIYLE ÜÇ ARUZ RISALESİNDE ARUZ TERİMLERİ VE TANIM CÜMLELERİNİN YAPISI.....	7
Məmməd ƏLİYEV. ƏDƏBİYYAT NƏZƏRİYYƏÇİSİ SALİDƏ ŞƏRİFOVANIN ELMİ TƏDQİQATLARINA BAXIŞ.....	25
Mehmet Cemal ÇİFTÇİGÜZELİ. DÜNYA BARIŞINA VE İNSANA YATIRIMI ALİMLER VE SANATÇILAR GETİRECEK.....	37
Сувон МЕЛИ. АЛИШЕР НАВОИЙ ВА ЧИНГИЗ АЙТМАТОВ СЕВГИ ТАЛҚИНЛАРИ.....	44
Исомиддин ЁРМАТОВ. ПОЭТИК ОЛАМ КАТЕГОРИЯСИГА ДОИР НАЗАРИЙ ҚАРАШЛАР ТАВСИФИ.....	49
Шоира АХМЕДОМА. ПРОФЕССОР АБДУРАУФ ФИТРАТНИНГ АДАБИЁТ- ШУНОСЛИККА ДОИР ҚАРАШЛАРИ ТАЛҚИНЛАРИ.....	56
Жасурбек МАХМУДОВ. ЎЗБЕК ҚИССА ВА АФСОНАЛАРИНИНГ ТАРИХИЙ-ДИНИЙ ГЕНЕЗИСИГА ДОИР.....	61
Orzigul HAMROYEVA. TURKIY QOFIYA TAKOMILIDA ALISHER NAVOIYNING O'RNI.....	66
Хулкар ҲАМРОЕВА, Тўмарис Аъзам БУТУНБАЕВА. САНЪАТ ДИАЛЕКТИКАСИ: АБДУРАУФ ФИТРАТ ИЖОДИНИНГ СИРИ ВА СЕҲРИ.....	73
Пердебай НУРЖАНОВ. ҚОРАҚАЛПОҚ ФОЛЬКЛОРИДА ОЛТИН ЎРДА ВА НЎҒАЙ ДАВРИ ВОҚЕАЛАРИНИНГ ТАСВИРЛАНИШИ.....	78
Zilola AMONOVA, Maftuna TO'RAYEVA. SADRIDDIN AUNIYNING ILMIY TALQINLARI (ABU ALI IBN SINO FAOLIYATI MISOLIDA).....	83
Дилфуза ХАТАМОВА. ПОЭТИКА ТЕРМИНИНИНГ МАЪНО ҚАМРОВИ ТРАНСФОРМАЦИЯСИ.....	90
Dilshod G'AYIROV, Guliston ABDULLAYEVA. XORAZM ADABIY MUHITIDA YANGICHA MA'RIFATPARVARLIK G'OYALARINING BADIY TALQINI.....	95
Arzu HAGIYEVA. FİRİDUN BƏY KÖÇƏRLİNİN “AZƏRBAYCAN ƏDƏBİYYATI TARİXİ” KİTABINDA ƏLİŞİR NƏVAİ.....	100
Nasima QODIROVA. ROLAN BART ADABIY-TANQID NAZARIYOTCHISI SIFATIDA.....	107
Shuhrat HAYITOV. «ARUZ RISOLASI» TADQIQI.....	112
Нигорахон САЛОХИДДИНОВА. ШЕЪР МАТНИДА АЁЛ ОЛАМИНИ ИФОДАЛОВЧИ СЎЗНИНГ БАДИИЙ-ЭСТЕТИК ФУНКЦИЯСИ.....	121
Aytən QURBANOVA. TÜRKSOYLU DÖVLƏTLƏRİN ƏDƏBİYYATINDA ÜMUMTÜRK KONTEKSTİ.....	126
Жамила БУРАНОВА. ПОЭТИКА МИФА В КОНТЕКСТЕ СОВРЕМЕННОГО ПРОЗАИЧЕСКОГО ТЕКСТА.....	132
Gülнар YUNUSOVA. XX ƏSR YAPON ƏDƏBİYYATINDA YENİ TƏMAYÜLLƏRİN FORMALAŞMASINI ŞƏRTLƏNDİRƏN AMİLLƏR.....	141